дүзиўшилер омоним десе, басқалары көп мәнили дейди. Мәселен, «планетаның бир түри» дегенди аңлататуғын Ай сөзи менен «жылдың он еки бөлегиниң бири» дегендеги ай бир-бирине онша уқсамай, ҳәр қайсысы түрлише бағдарда өзинше хызмет ететуғынлығын көремиз. Булардың келип шығыў төркини де бир. Бирақ, ҳәрбириниң өз алдына айрықшалықлары бар екенлигин есапқа алып, оларды жеке сөзлер ретинде омонимлик дизбекти қурай алады десек мақул болады [3:73].

Бизиң пикиримизше, ҚТТС ти дүзиўде сөзлердиң басқа топарлары менен қатар омонимлерди де анықлаў, олардың мәнилерин ҳәр тәреплеме ашып көрсетиўге ерисиў, булардың ҳәр бирин көргизбели (иллюстрациялық) материаллар жәрдеминде бериў – оны дүзиўшилердиң билими, шеберлиги ҳәм тәжирийбесине тиккелей байланыслы.

Омонимлер, сондай-ақ, көп мәнили сөзлердиң мәнилери, өз ара мүнәсибетин буннан былай да жетилистириў, оларды айырыўға жәрдем ететуғын тилдеги омонимлер сөзлигин дүзиў, гейпараларының этимологиясын қарастырыў түсиндирме сөзликти дүзиўшилер алдында әҳмийетли мәселелерден деп есаплаймыз.

**Әдебиятлар**

1. Виноградов В.В. Об омонимах в русской лексикографической традиции. // Лексикология и лексикография. -М.: 1977, / „Советская тюркология'', 1984, №4, 93-б.
2. Абаев В.И. О подаче омонимов в словаре. ВЯ, 1957, №3, 31-б.
3. Османова А. Қазақ тiлiнiң түсiндiрме сөздiгiнде омонимдердiң берiлiуi мен бiр-бiрiнен ажыралыуы жайында. Жыйн: Қазақ тiлiнiң түсiндiрме сөздiгiн жасаў тәжрибелери. –Алматы: «Ғылым», 1989, 63-б.
4. Равшанов М. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида омонимлар тавсифи. Автореф.дис.канд.наук. –Т.: 1991, 20-б.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада қорақалпоқ тилининг имло луғатида омоним сўзларнинг берилиши, сўз маъноларига, этимологиясига этибор масалалари ўз ифодасини топган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматриваются вопросы маркировки омонимичных слов в каракалпакском орфографическом словаре, значение слов, а также этимология слов.

**SUMMARY**

The spelling dictionary of the Karakalpak language speaks about the giving of homonymous words, attention to their meanings and etymology.

## БАДИИЙ МАТНДА ФРАЗЕОЛОГИК ПОЛИСЕМИЯНИНГ ЛИСОНИЙ ТАДҚИҚИГА ДОИР

**С.Ж.Рахимова** - *ўқитувчи*
*Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети*
*Ургенч филиали академик лицейи*

**Таянч сўзлар:** бадиий матн, полисемия, фразема, иборaларда кўпмаънолилик, маънодошлик, семантика, стилистика, лисоний имконият.

**Ключевые слова:** художественный текст, полисемия, фразеология, множественность во фразах, семантика, стилистика, лингвистическая возможность.

**Key words:** artistic text, polysemy, phraseology, polysemy in phrases, semantics, stylistics, linguistic possibility.

Тилшуносликда фразеологик бирликларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, жаҳон тилшунослигида ҳам мазкур лисоний бирликлар турли аспектларда кенг тақиқ этилган. Фразеология назарияси ривожига Е.Поливанов, Л.Булаховский, Ш.Балли, В.Виноградовлар катта ҳисса қўшган. Ш.Балли фразеологик семантикани уларнинг мутлақ белгиси деб эътироф этиб, бирикмаларни лексик-грамматик, семантик ва синтактик яхлит бирликлар эканлигини таъкидлаган [1:23].

Кейинги йилларда ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлар чуқур тадқиқ этила бошланди. Айникса, миллий менталитетни ифодаловчи лексик бирликлар табиатини ўрганишга катта эътибор берилмоқда. Жумладан, Қ.Ҳакимовнинг фразеологизмларнинг зарурий бирикувчанлиги, Ш.Раҳматуллаевнинг феъл фраземаларнинг боғлашуви, Абдимурод Маматовнинг фразеологик меъёр муаммолари, Абдуғафур Маматовнинг фразеологиянинг назарий асослари, Б.Йўлдошевнинг фраземаларнинг функционал-услубий хусусиятлари, К.Бозорбоевнинг сўзлашув нутқи фразеологизмлари, Ш.Алмаматованинг фраземаларнинг компонент таҳлили, М.Вафоеванинг фразеологик синонимлар, Ш.Ғаниеванинг фразеологизмларни шаклий ва мазмуний моделлаштиришга бағишланган тадқиқотлари ўзбек фразеологиясининг ривожига сезиларли таъсир кўрсатди.

Шунингдек, ўзбек тилшунослигида Ш.Раҳматуллаев, Б.Йўлдошев, А.Маматовлар икки ёки ундан ортиқ сўздан таркиб топган, тузилиши жиҳатидан бирикмага, гапга тенг, мазмунан сўзга муқобил, яхлитлигича устама кўчма маъно англатадиган луғавий бирликларни фразеологик объект деб эътироф этадилар [2,3,4]

Ш. Раҳматуллаев фразеологик бирликларнинг маъно табиатини биттадан ортиқ сўз яхлитлигича маълум бир образ асосида, кўчириш йўли билан семантик тараққиётни бошдан кечиради деб таъкидлаб муайян образ асосида юзага келган маънони фразеологик маъно деб номлаган [2:42].

Проф.Ҳ.Жамолхонов эса фраземаларни кўчма маъноли турғун конструкция деб ҳисоблайди. Олимнинг таъкидлашига кўра, фразема ҳам лексема каби луғавий бирлик саналади, аммо ўзининг ифода ва мазмун планларидаги қатор белгилари билан фарқланади [5:21].

Кўп маънолилик тилнинг муҳим имкониятларидан биридир. Бу жиҳат бошқа лисоний бирликлар қатори фраземаларга ҳам хосдир. Фраземалар контекстда турли маъноларни ифодалаб келиши мумкин. Буни қуйида келтирилган мисоллар ва уларнинг таҳлили орқали изоҳлаш мумкин. Ўткир Ҳошимов ўзининг “Нур борки, соя бор” романида бир иборадан турлича ва турли ибораларни битта маъно ифодалашга хизмат қилдирган [8:254].

Ибораларадаги кўпмаънолилик ва маънодошликни ҳам аниқ фарқлаш лозим. Масалан, кўзида ўт ёнди, кўзида олов ёнди, кўзида чўғ ёнди, кўзларида ўт чақнади, кўзида ўт порлади, кўзидан учқун чақнади ва бошқалар битта маънони ифодалашга хизмат қилади. Масалан, кўзларида ўт сачраб кетди ибораси “кўзидан ўт чиқиб кетди” ўрнига ишлатилган. “Кўзларида ўт сачраб кетди” фраземасида маъно ҳам анча кучли. Мисол: Унинг рўпарасида Шерзод, кеча ўзи пачоқлаб

кетган ўша Шерзод кўзларидан ўт сачраб турарди. 416-бет.

Ёзувчи кўзида ўт ёнди иборасининг феъл компанентини яъни ёнмоқни порламоқ феъли билан алмаштириб қўллайди. Йирик-йирик теран кўзларида Шерзодга таниш ўша мулойим самимий ўт порлаб кетди. 263-бет Болкайнинг мовий кўзларида эса фақат гўдаклардагина бўладиган тиниқ бир ўт порлади (327-бет). Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “Порламоқ” [6] 1. Ёрқин нур сочиб турмоқ, равшан ёнмоқ. 2. Кўчма Нур сочмоқ, барқ урмоқ, балқимоқ. Шунда унинг тиниқ чеҳрасида, қоп-қора кўзларида яна ўша жозибали ўт порлаб кетди (329-бет).

Ёнмоқ ЎТЛда [6] қуйидаги маънолар билан изоҳланади: 1. Ўт олмоқ, ўтда куймоқ. 2. Нурда товланмоқ, нур қайтармоқ. 3. Ортиқ даражада иссиғи, ҳарорати ошгандек сезмоқ, қизимоқ. 4. Кўчма қайғурмоқ, куймоқ, ачинмоқ. 5. Кўчма. Қизишиб, асабийлашиб кетмоқ, тутоқмоқ, алангламоқ. 6. Кўчма. Алангламоқ, ўт олмоқ. 7. кўчма. Ошиқмоқ, сабрсизлик билан кутмоқ каби. Унинг боши сирқиллаб оғрир, кўзининг ич-ичида олов ёнаётгандек ловиллаб ачишар эди 415-бет. Ёзувчи баъзи ўринларда кўзида ўт ёнди иборасини кўзида чўғ ёнди деб ишлатган. Бу иборада ўт компоненти чўғ компаненти билан алмашган. Рауф Абдуллаевичнинг ўйчан кўзларида бирдан тағин ўша чўғ ёниб кетди (263-бет). Ўтга нисбатан чўғда маъно қиррасида маъно оттенка кучайтирилди. Унинг боягина мулойим йилтиллаган кўзларида энди совуқ ғазаб олови ёнар, боягина ипакдек майин товланган овози энди темирдек жаранглаб чиқарди (375-бет). Эрим йўқ! – Унинг кўзларида нафратли олов ёниб кетди. Ўлган! (219-бет).

Иборанинг лексик таркибини ёзувчи ўзгартириб қўллайди. Бунда компанентлар бошқа компанентлар билан алмаштириляпти. От компаненти ва феъл компаненти алмашилди. “Бош айланди” ибораси умум тилда икки маънони англатади. Беҳуд бўлмоқ [7]. Мувозанатини йўқотмоқ организмнинг касалланган ҳолати, бунда гўё атрофдаги ҳамма нарса айланиб кетаётгандек туйилади. Ёзувчи асарида бу фраземадан фойдаланган. Масалан. Унинг кўзлари ачишар, борган сайин тамоғи қурир, боши айланиб кетаётганга ўхшарди (417-бет).

Элмира боши айланиб кетгудек бўлиб институт ҳовлисига тушди (310-бет). Бош айланди фраземасининг умум тилдаги иккинчи маъноси эсанкирамоқ Ў.Хошимов асарида бу иборанинг иккинчи маъносидан ҳам унумли фойдаланган. Масалан: ... димоғига урилаётган нафас атир иси бошини айлантириб қўйгандек бўлар (242-бет). Шерзод чечакларини димоғига яқин келтириши қалби ҳаяжонга тўлиб, боши айланиб кетгандек бўлди (211-бет).

Умумхалқ тилида бош кўтармоқ фраземаси бор. Бу фразема уч маънони англатади. Лекин кўтармоқ иборасининг қарамоқ маъноси жуда кўп ўринда учради. Масалан: Шерзод бир зум бошини кўтариб қаради-да, ҳаяжондан энтикиб пичирлади (236-бет). Раис кескин бош кўтарди-ю, анчагача ўзига келолмагандек, Шерзодга тикилиб қолди (316-бет). Қуйидаги ибораларда эса қилиб турган ишини тўхтатиб қараш маъноси бор: Фарида ҳам худди Шерзоднинг кириб келишини кутиб тургандек бошини кўтариб қаради (242-бет). ...сигнал ҳадеб чалинаверганидан кейин бошини кўтариб қаради. (277-бет). Қиз қадам товушини эшитиб бошини кўтарди (272-бет). Шундагина Фарида бошини кутардида, қайрилма қошларини чимириб, аудиторияга бир дафта қизиқсиниб қараб қўйиди (241-бет).

Умумхалқ тилида бош чайқамоқ [7] ибораси бор. Ёзувчи ўз асарида бу фраземадан ҳам унумли фойдаланган бўлиб, уни 20 ўринда турлича маъноларда ишлатган. Масалан, Врач пастки лабини тишлаганча**, бош чайқади-да**, “дарров ётинг”, деб имо қилди (263-бет).

– Йўқ! – котиба кескин бош чайқади. – Битта ўзингизни чақиряптилар (346-бет) – Асарнинг ўзи қанақа, дурустми? – Йўқ! – Зуҳра оҳиста бош чайқади – Майда гап (273-бет) – Раҳмат! Шерзод бош чайқади. Каска берсангиз бўлади. Ўзим топиб оламан (362-бет). Юқорида келтирилган мисоларда бош чайқади ибораси бошини (икки ёнга бир неча марта) буриб, йўқ жавобини бериш маъносини билдирган. Бошқа ўринларда эса бош чайқади ибораси (бошни икки елка томон бир неча марта эгиб) таассуфланганни билдирган. Масалан: С.Рустамович изтироб билан бош чайқаган эди. Ҳозир харидорлар ёмон бўб кетган! – деди бош чайқади (369-бет).

Умумхалқ тилида кўз ўнгида ибораси 2 хил маъно оттенкасига эга. Бу иборадан ёзувчи 30 дан ортиқ ўринда унумли фойдаланган. Қуйидаги кўз ўнгида [7] ибораси “бевосита кўринган, кузатилган ҳолда” маъносига эга. Масалан: Кейинги воқеа шу қадар тез бўлиб ўтдики, Шерзод кўз ўнгида рўй берган нарсаларни яхши англаб ҳам ололмади (376-бет). Негаки, улар ҳар куни сизнинг кўз ўнгигизда рўй беради (355-бет) С.Соқиевич унинг кўз ўнгида ҳар куни минг хил товланиб кўринар, аммо ҳеч қачон сенсирамаган эди (254-бет).

Кўз ўнгида ибораси “тасаввурида сақланган” маъносини ҳам беради. Бу маънодаги иборалар асар қаҳрамонларининг нутқида унумли ишлатилган. Масалан: Шу ондаёқ бетон девор тагида икки букилиб ётганча лабининг қонини артаётган Сирожиддин кўз ўнгига келди. (410-бет), (254-274,276,338-бет) Шерзод-нинг кўз ўнгида Рауф Абдуллаевичнинг самимият тўла чеҳраси жонланди (326-бет) ... иш пул билан битади, деб ўргатган С.Соқиевич Шерзоднинг кўз ўнгига келди-ю, икковини ҳам ёмон кўриб кетди (205-бет).

Умумхалқ тилида кўз олайтирмоқ ибораси бор. Икки хил маънони ифодалайди. Масалан: – Нима, “нима бўлди” – деди кўзи олайиб – нега осилиб қолдинг менга? (415-бет). От унга кўзини олайтириб қаради, безовталаниб қулоқларини чимирди (305-бет). Бу иборада кўзни ўқрайтириб қараш маъноси етакчидир. Энди ёзқувчининг яна бир ишлатган иборасига мурожаат қилайлик. Масалан: Қабулхонада ўтирган котиба қизнинг тақинчоқларига кўз олайтириб ўрнидан туриб кетди. (374-бет). Юқоридаги мисолда кўз олайтириб ибораси “ўз манфаатига бўйсундириш (олиш) ниятида бўлмоқ” маъносини изоҳлаяпти.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бадиий матнда Ў.Ҳошимов фразиологик бирликлардан самарали фойдалана олган. Айниқса, полисемантик фразиологизмлар ижодкорга, сўзловчига ўз фикрини ихчам ва таъсирчан ифодалай олиш имконини беради. Бир асарда бир фраземани турли маъноларда қўллай олиш матн муаллифининг маҳоратини кўрсатади ва бу ўзбек тилининг лисоний имкониятлари кенглигини кўрсатади. Битта фраземанинг матн мазмунидан келиб чиқиб икки ва ундан ортиқ маънолари ифодалаши маълум бўлди. Полисемантик фразиологизмлар махсус тадқиқ этилиши ўзбек тили лисоний табиатини янада аниқроқ очиб беришга хизмат қилади.

**Адабиётлар**


1. Балли Ш. Французская стилистика. – М.: 1961. -С. 98.
2. Раҳматуллаев Ш. Нутқимиз кўрки.-Тошкент: “Фан”, 1970, 56-б.
3. Йўлдошев Б. Фразеологизмларнинг адабий тил нормасига муносабати. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1992. № 3-4, 37-42-б.
4. Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари. Филол. фанлари доктори... дисс. автореф. – Тошкент: 2000, 50-б.

5. Жамолхонов Ҳ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Янгидан классификатор асосида қайта ишланган ва тўлдирилган нашри. – Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2013, 334-335-б.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –М.: 1981, 256-б.
7. Раҳматуллаев Ш. "Ўзбек тилининг фразеологик луғати" –Т.: 1978, 456-б.
8. Ҳошимов Ў. Нур борки, соя бор. Роман. –Т.: 2018, 256-б.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада бадиий матнда фразеологик полисемиянинг лисоний, стилистик таҳлили асосида муайян хулосаларга келинган. Мавзунинг тадқиқ этилиши таснифланган ва муайян даражада муносабат билдирилган. Фразеологик бирликларнинг контекстда ифодалаётган маънолари, ибораларнинг кўпмаънолилиги ва маънодошлигини фарқлаш, изоҳлашга доир мисоллар асосида айрим таклиф-мулоҳазалар баён қилинган.

**РЕЗЮМЕ**

Статья основана на лингвистическом, стилистическом анализе фразеологической полисемии в художественном тексте с конкретными выводами. Изучение предмета было засекречено и в определенной степени среагировало. На основе примеров из интерпретации были описаны некоторые пропозиции, дифференцирующие значения фразеологизмов в контексте, множественность и многозначность выражений.

**SUMMARY**

The article is based on a linguistic and stylistic analysis of phraseological polysemy in a literary text with specific conclusions. The study of the subject was classified and reacted to a certain extent. Based on the examples from the interpretation, some propositions were described that differentiate the meanings of phraseological units in the context, as well as the multiplicity and polysemy of expressions.

# BELGI BILDIRUVCHI SO'ZLARNING METAFORA HOSIL QILISHDAGI O'RNI
## (Shavkat Rahmon ijodi misolida)

**D.Yunusova** – *o'qituvchi*
*Samarqand VXTXQTMOHM*

**Tayanch so'zlar:** metafora, leksema, tasviriy ifoda, belgi bildiruvchi so'zlar, kognitiv, nutq, polisemantik, istiora.
**Ключевые слова:** метафора, лексема, художественное выражение, характерные слова, когнитивное, речь, полисемантика, аллегория.
**Key words:** metaphor, lexeme, figurative expression, qualitative words, cognitive, speech, polysemy, allegory.

Metaforani jiddiy va chuqur tekshirish XX asrdagina hind, xitoy faylasuf va tilshunoslarining asarlarini o'rganish evaziga amalga oshirila boshladi. Antik davr falsafasining tadqiq davri gullab-yashnagan XX asrda metafora tilning kommunikativ, nominativ, bilish maqsadlarining ajralmas qismi sifatida talqin qilindi [1].

Bu vaqtda metaforani o'rganuvchi qiyosiy nazariya J.Serl va M.Blek tomonidan jiddiy tanqidga uchradi. J.Serl metaforani ikki semantik ma'noning verbal, ya'ni metaforik ifoda va aynan bo'lgan kontekstual qurshovning ta'sirlashuvi yoki oppozitsiyasiga bog'liq deb ta'kidladi [2]. M.Blek esa fanda birinchilardan bo'lib metaforani "qiyosni ifoda etuvchi emas, yuzaga keltiruvchi" sifatida ta'rifladi [3].

Metaforaning psixolingvistik tabiatini birinchi marta I.M.Sechenov o'rgandi va inson his-tuyg'ularining belgilarga aylanish jarayonini sof fiziologik omillar bilan asosladi [4].

O'zbek tilida metaforalarni o'rganishning tarixi asosan Sharq mumtoz adabiyoti va falsafa maktablari bilan uzviy bog'liqligini atroflicha tekshirgan U.S.Qobulova metaforani adabiy istiloh deb baholaydi hamda uni o'xshatish (tashbeh)dan "bamisoli", "misli", "kabi", "singari" so'zlarining tushib qolishi evaziga farqlaydi [5]. Metaforani istioraga ekvivalent o'rnida qo'yish ham ilmiy-adabiy merosimizda mavjud bo'lib kelgan qarashlar mahsulidir. Xususan, arab olimi Ibn Xaldun, shuningdek, Umar Rodiyoniy, Rashididdin Vatvot, Qays Roziy, Atoulloh Husayniy, Shayx ibn Xudoydod Taroziy, keyinchalik Fitrat singari adabiyotshunoslar metaforani she'riy san'at sifatida ko'rsatdilar [5].

Barcha tillarda kuzatilgani kabi, metaforalarni tekshirish o'zbek tilshunosligida ham XX asrning so'nggi o'n yilliklariga kelib o'zining jiddiy ilmiy-tadqiqiy rivojini topdi.

O'zbek leksikologiyasiga doir keng qirrali izlanishlar muallifi, atoqli olim M.M.Mirtojiyev metaforalarni nutq hodisasiga va til hodisasiga oid turlarga ajratadi. Nemis tilshunosligidagi metaforalarning: personifikatsiya, simvolizatsiya, allegoriya, sinesteziya deb nomlangan ko'rinishlariga: "Nutq hodisasiga oid metaforalarning bu ko'rinishlarini ba'zi o'zgarishlar bilan til hodisasiga oid metaforalarga tatbiq etsa bo'ladi. Bunda nutqning sof o'z xususiyatidan kelib chiqqan simvolizatsiya va allegoriyalarni chiqarib tashlashga to'g'ri keladi. Chunki simvolizatsiya nutq kechimidagi ellipsis bilan bog'li sodir bo'luvchi metaforadir. Allegoriya esa nutq kechimidagi qochirim va intonatsiya bilan bog'li holatda yuzaga chiqadi. Shundan kelib chiqib, til hodisasi bo'lgan metaforalar oddiy metafora, personifikatsiya va sinesteziya kabi ko'rinishlarga bo'linadi" deb munosabat bildiradi.

M.M.Mirtojiyevning ta'rificha, oddiy metaforani deyarli qisqargan o'xshatish deb bo'lmaydi. Oddiy metafora referentlarning oddiy qiyosi, o'xshashligiga asoslansa, personifikatsiya jonsiz referentning jonli referentga o'xshatilishiga; sintesteziya bir sezgida his qilingan referentning boshqa sezgi bilan his qilingan referentga belgilarini ongda umumlashtirib qiyoslanishiga, o'xshatilishiga asoslanadi [6].

D.S.Xudayberganova metaforalarni matnda muhim kognitiv-semantik ahamiyat kasb etish bilan birga, til egalarining milliy-madaniy tafakkuriga xos jihatlarni namoyon etuvchi hodisa sifatida baholaydi va o'xshatish hamda metaforalar asosiga qurilgan matnlarning muayyan tilda qoliplashgan matn shakllarini aniqlash imkoniyatini berishini aytadi. Olima ularni matnning pretsedent shakllari sifatida baholaydi [7].

Metafora boshqa badiiy tasvir vositalariga qaraganda ancha faol bo'lganligi sababli xassos shoir Shavkat Rahmon she'riyatining bu qadar jozibali bo'lishida metaforalar va ularni hosil qiluvchi leksik-grammatik birliklarning ifoda xususiyatini o'rganish, metaforaning yondosh hodisalarga munosabatini, ifodalovchi vositalarning o'rni, ahamiyati va darajasini aniqlash zarurati mavjud. Shavkat Rahmon she'riyatida belgi bildiruvchi, harakatni ifodalovchi so'zlarga qaraganda metafora hosil qilishida ot so'z turkumi kammahsul hisoblanadi. Shunday bo'lsa-da bu borada shoirning metafora yaratish mahorati, mavjudlaridan foydalanish uslubi ba'zan boshqalarnikidan ancha farq qiladi:

// **Oq** sukunat portlar saharda,
Kun nurida yonib, yaraqlab,
chopib kirar **sovuq** shaharga
yalangoyoq yashil daraxtlar.

Mazkur misralarda ajratib ko'rsatilgan ikki o'rinda metafora ishtirok etmoqda. Bu o'rinda "sovuq" so'ziga alohida urg'u berish lozim. Chunki kontekstdan tashqarida sovuq shahar o'z ma'nosida haroratning nihoyatda pastligini ifodalashi ham mumkin. Ammo bandda "yashil daraxtlar", "kun nurida yonib yaraqlab" birikmalari sovuq so'zining metaforik ma'no ifodalab kelayotganini bildiradi.

Quyidagi misralarda qo'llanilgan asov so'zi esa soyga